

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ САЛБИЙ ТАВСИФЛАНГАН ОИЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШИ

Ғозибеков Тўлқин Ҳабибуллаевич

Махсус касбий фанлар кафедраси доценти, подполковник

Аннотация: Мазкур мақолада: Профилактика инспекторларининг эр-хотин ўртасида низоли вазият юзага келганда ёки ҳуқуқбузарлик фактлари юзасидан фуқаролар томонидан хабар келиб тушганда амалга оширади ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилалар улар билан яқка тартибдаги профилактик суҳбат ҳамда ижтимоий мослаштириш билан боғлиқ фаолияти билан боғлиқ сўзлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: Низоли оила, Ижтимоий жиҳат, хавфли аҳвол, профилактик суҳбат, яқка тартиб, жамоатчилик, ҳамкорлик, ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахс, вояга етмаган, хулқ-атвор, салбий таъсир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, *“Биз бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим: ота-она, жамият эътиборидан четда қолган бола оилага қувонч ва фойда ўрнига фақат ташвиш келтиради. Шу боис бола тарбияси, ёшлар билан ишлаш биз учун энг муҳим ва долзарб вазифа бўлиб қолиши шарт”*. Тарбия масаласи шундай оғирки, агар оилада фарзанд тарбиясида муайян хато ва камчиликлар юзага келганда у бартараф этилмас экан, бу албатта ўзининг салбий таъсири билан намоён бўлади. Тарбия ривожлантириш, парвариш қилиш, ўстириш, ўргатиш, илм бериш каби маъноларни англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги Концепцияси билан профилактика (катта) инспекторларининг 22 та вазифалари¹ белгилаб берилган.

Шунингдек; профилактика инспекторлари томонидан ҳар-бир оила ва хонадондаги муҳитни, Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилаларни 5+2 тамоили асосида ўрганади ва маҳалланинг ўзида ҳал этиш чораларини

¹Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги Концепцияси 29.11.2021 йил 3-иловаси

кўради. Биз оилаларни ўрганишда аввалом бор Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилаларнинг турларини шахс кесимида ўрганиш билан биргаликда, мазкур оилаларда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва салбий оқибатларини англаб етишимиз ҳамда уларнинг ечимларини жойларнинг ўзида ҳал этиш лозим бўлади.

Биринчидан.- Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилала: бу ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-атвориغا салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган оила ҳисобланади.

Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилалар билан профилактик суҳбат, яқка тартибдаги профилактик ишларни олиб бориш давомида куйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

➤ ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оиланинг таркиби, ўзига хос хусусиятлари, оилавий тарбия шароитларини ўрганиш ҳамда уларни ҳисобга олган ҳолда ишни ташкил этиш;

➤ конун ҳужжатларига асосланган ҳолда ота-оналарга ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган вояга етмаганларга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, шунингдек вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товланганлик ёки лозим даражада бажармаганлик, болаларнинг хулқ-атвориغا салбий таъсир кўрсатганлик ёхуд улар билан шафқатсиз муомалада бўлганлик, вояга етмаганга эса ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишининг оқибатларини тушунтириш;

➤ зарур ҳолларда профилактик ишларга ушбу оилага ижобий таъсир кўрсатишга қодир бўлган шахсларни, соғлиқни сақлаш, таълим муассасалари ва бошқа органларнинг вакилларини жалб этиш;

➤ оиладаги муҳитни соғломлаштиришга, ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг болаларга салбий таъсир кўрсатишини бартараф этишга доир чора-тадбирларни белгилаш, хусусан ваколатли органлар билан биргаликда вояга етмаганларни сақлаш, тарбиялаш, уларга таълим бериш, уларнинг бандлиги ва дам олишини ташкил этиш масалаларини ҳал этиш;

➤ ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил вояга етмаганнинг турмуш тарзи, яқин алоқалари, нияти ва қизиқишларини аниқлаш, унинг бўш вақтини тўғри ва мазмунли ташкил этиш чораларини кўриш лозим.

Олиб бориладиган профилактик суҳбатларда вояга етмаганларнинг келгусида ҳуқуқбузарлик ёки жиноят йўлига кириб кетишига олиб келувчи бўш

вақтнинг юзага келишига қуйидагилар сабаб бўлиши мумкинлигини уларнинг ота-оналарига тушунтириш ҳамда уларга йўл қўймаслик юзасидан тавсиялар бериш лозим:

✚ болада ўқиш, меҳнат, касб, умуман олганда, ижтимоий фойдали бирор нарсага қизиқишнинг йўқлиги;

✚ ота-онанинг болани назоратсиз, қаровсиз қолдириши;

✚ ота-онанинг болага бефарқлиги натижасида унинг кун тартибини қизиқарли ташкил қилмаслиги;

✚ ота-онанинг ҳаддан ташқари меҳнат фаолияти билан бандлиги, уларнинг бола тарбиясига вақт ажрата олмаслиги;

✚ ота-онанинг болага ҳаддан зиёд меҳр қўйиши натижасида керагидан ортиқ ишониши;

✚ оила ва мактабда боланинг ижтимоий фойдали машғулотларга, жумладан тўғаракларга жалб қилинмаслиги;

✚ ўқитувчиларнинг ўқувчиларга уй вазифаларини бермаслиги ва берилган уй вазифаларининг бажарилганлигини назорат қилмаслиги ва бошқалар ҳам сабаб бўлади.

Оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларни бартараф этиш бўйича методик тавсиялар:

Жиноятчиликка қарши кураш амалиётининг таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар жуда ҳам кўп ва мураккаблиги билан бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқ қилади. Айниқса, оила-турмуш доирасидаги низолар, низоли ҳолатлар ва ҳуқуқбузарликлар таснифига оид турли хил ёндашув ва назариялар мавжуд.

Статистик маълумотлар таҳлил қилинганида оила-турмуш доирасида қасддан одам ўлдириш жиноятларининг келиб чиқишига сабаб бўлган омиллар қуйидагича таснифланади:

- рашк мотиви;
- тарафларнинг муросаси келишмаганлиги;
- ўч олиш ҳисси;
- мол-мулк талашиш;
- бошқа сабаблар.

Республиканинг айрим вилоятларида оила-турмуш доирасида қасддан одам ўлдириш жиноятлари содир этилишига эр ёки хотинни меъёридан ортиқ рашк қилиши ёки хиёнат қилишда айбланиш каби омиллар сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолатлар кўпинча эркаклар томонидан содир этилиб, аёлларнинг оиладан кетиб қолишига, оиланинг бузилишига, баъзида эса қасддан одам ўлдириш жиноятларининг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Оилада рашк туфайли зиддиятларнинг келиб чиқишига бир томондан, шахс маънавиятининг пастлиги, бир-бирига нисбатан ишончсизлик, хиёнаткорлик сабаб бўлса, иккинчи томондан мазкур омиллар кўриб чиқиляётган жиноятнинг содир этилишига хизмат қилувчи ҳаётий вазиятлар билан боғлиқ бўлади.

Эр-хотиннинг оилавий ҳаёт тўғрисидаги тасаввурларининг ўзаро мос келмаслиги, турли баҳоналар билан етишмовчиликни рўкач қилиши, бир-бирини тушунмаслиги, оила ҳаётига ота-она ва яқин қариндошларнинг ноўрин аралашуви, айрим ҳолларда оила-турмуш доирасидаги жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлмоқда.

Оила-турмуш доирасидаги жиноятлар қуйидаги сабаб ва шарт-шароитлар натижасида келиб чиқмоқда. Оиладаги носоғлом муҳит таъсирида:

✚ оила-турмуш муносабатлари доирасида зўрлик ишлатишга кўп ҳолларда оилавий-маиший низолар сабаб бўлиб, бу уларнинг бир-бирига нисбатан тан жароҳат етказиш, ҳақорат қилиш, қийнаш, хавф остида қолдиришга баъзида эса қасддан одам ўлдиришгача олиб келиши мумкин;

✚ оила-турмуш доирасидаги жиноятларнинг келиб чиқишида эр-хотин муносабатининг самимий эмаслиги, оилада юзага келадиган муаммоларга юзаки муносабатда бўлиш, бола тарбиясидаги эътиборсизлик, қайнона-келин ўртасидаги муносабатлар ҳамда бир-бирини тушуниш каби инсоний хислатларнинг йўқлиги криминоген омиллардан бири ҳисобланади;

✚ оиладаги носоғлом вазият, уриш-жанжал оила аъзолари ўртасида ғайриижтимоий носоғлом муносабатларнинг ва шахс салбий маънавий шаклланишининг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади;

✚ агар оилада оилавий муносабатлар етарли даражада бўлмаса ёки шаклланмаган бўлса, унда турли муаммолар ва низолар вужудга келади;

✚ оила-турмуш муносабатлари ҳар доим ҳам бир маромда бўлавермайди.

Оила турмуш доирасида эр-хотин ва оила аъзолари ўзининг бурчи ва мажбуриятларини адо этиш жараёнида айрим ҳолларда уларнинг фикр ва қарашларидаги зиддиятлар ва қарама-қаршилиқлар оилада турли кўринишдаги низоларни келтириб чиқаради;

оилада тарбия масаласида хатога йўл қўймаслик учун аввало ҳар қайси хонадондаги маънавий муҳитни ўзаро ҳурмат, ахлоқ-одоб, инсоний муносабатлар асосига қуриш лозим;

оила-турмуш доирасида ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи ўзига хос бўлган шарт-шароитлар орасида оиладаги муҳит долзарб аҳамият касб этади. Чунки, оила-турмуш доирасидаги жиноятларнинг содир этилишига олиб келган асосий омиллардан бири оиладаги носоғлом муҳитнинг оқибатидир;

ота-оналар ўз фарзандининг тарбиясида кўполлик ёки уларга нисбатан зулмкорлик билан муносабатда бўлиши уларнинг онгу тафаккурига албатта салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Боз устига, агар ота оилада ўзини тутишни билмаса, ахлоқ-одоб бобида фарзандларига ўрناк бўлиш ўрнига кўпол хулқини намоён этса, бу ҳолат, табиийки, бола маънавий оламининг шаклланишига, вақти-соати келиб, унинг характерида инсон деган номга нолайиқ, хунук бир одат сифатида намоён бўлади. Умуман олганда, оиладаги маънавий муҳитнинг носоғломлиги оилада криминоген вазиятларнинг келиб чиқишида муҳим роль ўйнайди.

Хулоса

Профилактика инспекторлари оилада эр-хотин ўртасида низоли вазият юзага келганда ёки ҳуқуқбузарлик фактлари юзасидан фуқаролар томонидан хабар келиб тушганда қуйидаги ишларни амалга оширади:

✓ Худуддаги низоли ва нотинч оилалар билан манзилли профилактик ишларни ташкил этиш бўйича методик тавсиялар ҳуқуқбузарлик содир этилган хонадонга бориб, содир этилган жанжал натижасида жабрланган шахслар мавжуд бўлса, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатади, низонинг келиб чиқиш сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни ўрганади ҳамда аниқлайди;

✓ оилада эр-хотин ўртасида мавжуд бўлган муаммолар ҳамда оиладаги муҳитни ўрганиб, низони юзага келтирган омилларни аниқлайди;

✓ ушбу ҳуқуқбузарлик олдин ҳам эр-хотин ўртасида содир этилган ёки этилмаганлигини, уларнинг ўртасида олдиндан адоват ёки зиддият мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ўрганиб чиқади;

✓ оилада яшовчи шахсларнинг турмуш тарзи, оила муҳитига таъсир этувчи салбий таъсирлар манбаларини аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўради;

✓ оиладаги низо, келишмовчилик ва жанжалнинг келиб чиқиш сабаб ва шароитларини аниқлаб, уларни бартараф этишга доир чора-тадбирларни белгилайди;

✓ ушбу жанжаллар оиланинг барбод бўлишига олиб келиши, оилани асраш, унинг мустаҳкамлигини таъминлашда эр-хотин ўзаро ҳамжиҳат, бамаслаҳат иш кўришлари, оилада мавжуд бўлган муаммоларнинг биргаликда ечимини топишга ҳаракат қилишларини тушунтиради;

✓ оилада эр-хотин ўртасида рашк ёки хиёнатнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлайди;

✓ эр-хотин ўртасидаги жанжаллар оилада тарбияланаётган фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши, яъни уларнинг таълим олишида бир қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида тушунтиради;

- ✓ оила ҳаётига эр ёки хотиннинг отаси ёки онасининг аралашувини ёхуд уларнинг таъсир кўрсатиш ҳолатлари мавжудлигини ўрганади;
- ✓ аёлга нисбатан бепарқлик, уни тушунмаслик, унга салбий муносабатда бўлиш, хўрлаш, камситиш, ҳақорат ва тухмат қилиш каби ҳолатларни аниқлайди;
- ✓ эркакнинг хотинига нисбатан зўрлик ишлатиши, жабр-зулм қилиш ҳолатлари мавжуд бўлса, уларни аниқлайди ва бартараф этиш чораларини кўради;
- ✓ улар ўртасида бузилган ижтимоий муносабатларни тиклаш, уларни муросага келтириш чораларини кўради.

Профилактика инспектори ва тегишли идора вакиллари, эр-хотин билан яқка тартибда улар ўртасида мавжуд муаммолар, ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқишига олиб келган ҳолатлар ҳақида уларни тартибга чақириш бўйича тарбиявий аҳамиятга молик суҳбатлар ўтказди, шунингдек яна шундай ҳуқуқбузарликка йўл кўядиган бўлишса, амалдаги қонунлар асосида уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиради.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги 14.03.2017 йилдаги ПҚ-2833-сон Қарори,.
2. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси (ЎзР 30.04.1998 й. 607-І-сон Қонуни билан тасдиқланган)
3. У.Абдуллаев “қадриятлар миллий ва унинг қаёти учун азиз ва мўътабар бўлган”. ҳуқуқ Право, Law2004. 3 (27)5 бет.
4. Х.Бобоев, З.қофуро, “Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий маърифий таълимотлар тараққиёти. Т., 2000 й 109 бет.
5. О.А.Каримова “қонун оила, фарзандл ва жамият” Т., 2002 й. 4- бет.
6. Г.Иномжонова “Оилавий ҳуқуқ”ота оналар ва болалар муносабатлари қақидабази мулоҳазалар. Ёққёт ва қонунъ. 2003 й №-2 73 бет
7. «Ҳуқуқшунослик».Т.2002. 206-бет